Кейинги 25-30 йил ичида Японияда тикувчилик саноати машинасозлиги анча ривожланди. "ЙАмото", "Жуки", "Кансаи Специал", "Сейко" фирмаларида пневматик ва электроник механикавий қурилмали автоматик ва яримавтоматик машиналар, автоматик бошқарувли тизимлар катта ҳажмда ишлаб чиқарилмоқда (талаба ўз мавзусига доир тўлиқ маълумотни бошқа манбалардан фойдаланиб тўлдиради).

Тикув машиналарининг турлари.

Ҳозирги вақтда вазифаси ва тузилиши жиҳатидан турли хил бўлган, фан ва техниканинг охириги ютуқларига асосланиб яратилган, замонавий технология талабларига жавоб берувчи, автоматлаштирилган ва электрон бошқарувли тикув машиналари ишлаб чиқарилмоқда.

Баҳяқатор ҳосил бўлиш жараёнида иплар чалишиш характериға қараб тикув машиналари икки гуруҳга бўлинади:

- моки баҳяли тикув машиналари;
- занжирсимон баҳяли тикув машиналари.

Моки баҳяқатори кам чўзилувчанлиги ва пухталиқ хусусиятиға еға бўлганлиги учун, моки баҳяли тикувчи машиналари асосан қалин газламаларни тикиш учун мўлжалланган.

Занжирсимон баҳяқатор ҳосил қилиб тикувчи машиналар чўзилувчан трикотаж газламаларни тикишға ва кийим деталларини вақтинчалиқ бирлаштиришға мўлжалланган (талаба ўз мавзусига доир тўлиқ маълумотни бошқа манбалардан фойдаланиб тўлдиради).

Тикув машиналарининг асосий механизмлари.


Моки ва занжирсимон баҳя ҳосил қилиб тикувчи машиналар қуйидаги асосий механизмлардан тузилган:

- игна механизми;
- моки ва чалиштиргич механизмлари;
- материални суриш механизми;
- ип тортгич (ип узатгич) механизми;
- тепки узели.

ЙУқорида кўрсатилган асосий механизмлар қаториға баъзи тикув машиналарида қўлланилган тақсимлагич, кенгайтиргичкаби механизмлар ҳам киради (талаба турли технологик жараёнларни бажаришға мўлжалланган, камида биттадан тикув машинаси механизмлари ҳақида, унинг кинематик тасвири, ишлаш принципи бўйича тўлиқ маълумотларни келтиради).

3.2. 1022-М синф тикув машинасининг ишлаш принципи.

«ЖУКИ» (ЯПОНИЙА) ФИРМАСИНИНГ ЛХ-1162-С-5-4В РУСУМЛИ ИККИ ИГНАЛИ ТИКУВ МАШИНАСИ



ЛХ--1162-С-5-4Б русумли тикув машинасининг умумий куруниши.


Бу машина костюбоп ва палтобоп материаллардан тикиладиган тикувчилик буюмлари деталларини икки ипли параллел моки бахякатор юритиб тикишга мўлжалланган. Асосий валининг айланиш частотаси 3000 айл/мин. Бахясининг йириклиги 0 дан 6 мм гача, параллел бахякаторлар оралиги 3,2 мм.

Бу машина илгариланма-кайтма ҳаракатланувчан игналар, вертикал жойлашган мокилар, газламани тишли рейка ёрдамида суриш ва ип тортгич механизмларидан тузилган. Машинанинг устки қисмига технологик жараёнларни ва механизмлар ишини назорат қилувчи ҳамда бахякаторнинг бир курунишидан иккинчи курунишига автоматик ўтказувчи электрон бошқарув системаси 1 ўрнатилган. Электрон бошқарув системаси қўлланилиши натижасида бахякатор сифатли бажарилишини ва механизмлар ҳамда автоматик мойлаш қурилмасининг ишини доимий назорат қилиш имкони яратилган.


Бош валдан моки валига ҳаракат тишли тасмали узатма орқали узатилади. Машина платформаси тагида автоматик мойлаш системаси ўрнатилган.

Бу машинанинг иккита педали бўлиб, махсус иш столига ўрнатилган педал 2 машина асосий валининг айланиш частотасини созлашга, педал 3 еса тепкини оёқ ёрдамида кўтаришга хизмат қилади. Ишлаш қулай бўлиши учун иккала педалнинг баландлиги ҳам уларни штанга 4 билан биргаликда вертикал суриб ростланади. Бунинг учун йигма торткининг болтлари 5 бўшатилади ва иш столи 6 таянчлари 7 даги тегишли тешиклар ичига сурилади. Тикишни бошлашдан олдин машинани ишга тушириш тугмачаси 8 босилади.

Устки ва остки иплар таранглигини ўзгартирувчи ва назорат қилувчи қурилмалар ўрнатилган бўлиб, машинада чарм махсулотларини ва қалин материалларни ҳам тикиш имкони яратилган. Ип тақиш. Устки ипни бобина ёки галтакдан муайян изчилликда чап игна 9 га, а) тақилади. Олдин ипни найчасимон ип ёъналтиргичнинг тешигидан ўтказилиб, таранглаш ростлагичи 2 нинг, асосий таранглаш ростлагичи 3 нинг шайбалари орасидан айлантириб, ип тортиш пружинаси тагидан олиб утилади, пастдан юқорига пластинасимон ип ёъналтиргич тагига, унгдан чапга ип тортгич 4 нинг юқори қулоқчасига ва юқоридан пастга пластина ип ёъналтиргич 5 дан ўтказилади. Сўнгра иккинчи пластинасимон ип ёъналтиргич 6 тагидан ўтказиб, юқоридан пастга игна туггич 7 даги ип ёъналтириш тешигига ва унгдан чапга игна кузи 9 дан ўтказиб тақилади.



а. Устки ипни такиш.



б. ЛҚ-1162-С-5-4В русумли тикув машинасида моки ва четлатгичлар жойлашиши.

Устки ипни унг томондаги игна 8 га такиш учун ипни галтакдан найчасимон ип ёъналтиргичнинг тешигидан ўтказилиб, таранглаш ростлагичи 2 нинг, асосий таранглаш ростлагичи 3 нинг шайбалари орасидан айлантириб, ип тортиш пружинаси тагига олиб келинади, пастдан юқорига пластинасимон ип ёъналтиргич 5 нинг тагидан ўтказилиб, унгдан чапга ип тортгич 4 нинг остки тешигига, юқоридан пастга пластинасимон ип ёъналтиргич 6 нинг тагидан ўтказилади ва юқоридан пастга игна 8 нинг кўзига тақилади.

Остки ип машинадаги махсус қурилма ёрдамида найчага уралгандан сўнг, игна пластинаси чиқариб олинади ва вертикал жойлашлан моки қурилмаси 1га б) ўрнатилади.

Остки ипларнинг иккаласи ҳам бир хилда тақилади. Сху сабабли факат унг томондаги моки қурилмасига ип тақилишини куриб чиқамиз. Бунинг учун пластинасимон пружинани б) унг кул билан босиб туриб, чап кул ёрдамида пластинани унг томонга суриб қўйилади.

Илгак 3 ни очиб буш моки олинади. Сўнгга найча тутгични марказий шпилкасига тула найча кийдирилади. Ипни найчадан юқоридан пастга найча тутгичнинг уйигига ва пластинасимон пружина тагидан ўтказиб, унинг кесимидан ташқарига чиқариб қўйилади. Остки ип таранглигини винт ёрдамида пластинасимон пружинанинг босимини ўзгартириб созланади. Мокининг ён тарафига остки ипни кенгайтирувчи четлатгич ўрнатилган бўлиб, у ёйсимон ҳаракатни моки валидан эксцентрикли механизм орқали олади.

Машинада турли ишларни бажариш учун махсус мосламаларни ўрнатиб деталларга ишлов бериш имкони яратилган.


Созланишлари. Игнанинг баландликка ҳолатини ростлаш учун бахя йириклиги «0» га қўйилиб, игна енг остки а) ҳолатига келтирилади, сўнгга винтлар 1 ва 2 бўшатилиб игна тутгич остки қиррасидан игна пластинаси 3 сатхигача 16,7Қ0,3 мм масофага қўйилади ва винтлар қотирилади. Бунда игна юритгич 4 ва тепки стержен 5 орасидаги масофа 14,8+0,1 мм бўлиши керак. Игна остки ҳолатидан 2,2 мм га кўтарилганда моки учи игна кузидан 1,2 мм баландда жойлашиши керак. Моки ва игна орасидаги масофа б) винтлар 1 ва 2 бўшатилиб, мокини ҳаракат узатиш вали 3

га нисбатан силжитиб ростланади. Найча копкоги 1 в) ва игна пластинаси 2 орасидаги 0,8–1,0 мм масофани ўрнатиш учун игна юқориги ҳолатига келтирилади, сўнгга игна пластинаси 2 ва тишли рейка олинади, моки валидаги ўрнатиш винти бўшатилади, моки втулкаси силжитилиб керакли ҳолатга келтирилади ва винт қотирилади.

Тишли рейканинг игна пластинаси ариқчаларга нисбатан ҳолати г) суриш вали 1 га винт 2 ёрдамида маҳкамланган коромисло 3 ни силжитиб созланади. Бунинг учун винт 2 бўшатилиб, коромисло 3, суриш кулисаси 4 га ўрнатилган тишли рейка 5 билан биргаликда силжитилиб керакли ҳолатга келтирилади ва винт 2

қотирилади. Бахя йириклигини ўзгартириш ва ортга тикиши материални суриш механизми билан боғланган

қурилма ёрдамида амалга оширилади. қурилмада ўтказиш ричаги 1 га, д) втулка 2 ўрнатилган бўлиб, унга винт 3 ёрдамида ростлаш ричаги 4 киритилган. Ростлаш ричаги 4 нинг иккинчи тарафи иккита винтлар 5 билан тортки 6 га маҳкамланган.



«Жуки» (Япония) фирмасининг ЛХ -1162 -С-5-4В русумли икки игнали тикув машинаси ишчи органларининг ростланишлари.

Созловчи торткиси 6 нинг чап томонини пружина 7 тортиб туради. Бахяқатор сифатини текшириш учун бахя йириклиги «3» га қўйилиб, олдинга ва ортга тикилади. Олдинга ва ортга тикилганда бахялар йириклиги орасидаги фарк 0,2 мм дан ошмаслиги керак. Агар фарк 0,2 мм дан ортик бўлса, винтлар 5 бўшатилиб, ростловчи тортки соат милага қарши ёъналишда буриб ростланади ва винтлар котирилади.

3.3. Тикув машиналари ип тортгич механизмининг бир-биридан фарқи


Ип тортгич механизмлари игна материални тешиб ўтаётганда ва моки солқини илиб кенгайтираётганда уларга ипни узатиб бериш, игна материалдаги чиқиб у суриляётганда чокни тортиб мустахкамлаш вазифаларини бажаради.

1022, 1022-М, 25, 26, 27 ва бошқа машиналарда секин ипни узатиб бериб, тез уни тортиб чокли мустахкамловчи кривошип-коромисло типли ип тортгич механизми ишлатилади. Бир ипли занжирли 28, 222, 2222 синф ҳамда икки ипли ва уч ипли занжирли М-12, 237, 51, 51-А, 208, 976 синф машиналарида ричагли ип тортгич мосламаси ишлатилади.

24, 34, 252, 262, 202, 862 ва бошқа машиналарда ипни бир текисда узатиб бир текисда тортиб чокни муцахкамловчи кривошип-кулиса типли ип тортгич механизми ишлатилади.


Кулачокли ип тортгич механизмлари тезлиги унча катта бўлмаган ($n < 1500$ айл/мин) 1-А, 100, 100-М, 23, 78, 278 синф машиналарида ишлатилади.

97-А, 206, 297, 397 ва бошқа катта тезликли ($n > 5000$ айл/мин) машиналарда бир-текис айланувчи гардишсифат ип тортгич мосламаси ишлатилади.




Кулачокли ип тортгич механизми схемаси

Расмда: 1. Бош вал. 2. Кулачок. 3. Ариқча. 4. Ролик. 5. Ип тортгич ричаги. 6. Ўқ. 7. Кўзча. 8. Ип тортгич кўзчасини траекторияси.




Кривошип-коромислалли ип тортгич механизми схемаси

Расмда: 1. Кривошип. 2. Икки елкали бармоқ. 3. Ип тортгич ричаги. 4. Кўзча. 5. Коромисло. 6. Ўқ. 7. Ип тортгич кўзчаси траекторияси.




Кривошип-кулиса типли ип тортгич механизми схемаси

Расмда: 1. Икки бошли шатун. 2. Кулиса. 3. Ип тортгич стержени. 4. Ип тортгич кўзчасини траекторияси.



Бир текис айланувчи гардишсифат ип тортгич мосламаси.

Расмда: 1. Бармоқ. 2. Диск. 3. Ўйиқ. 4. Листирма. 5. Листирма. 6. Гардишсифат ип тортгич.



5-Расм. Ричагли ип тортгич мосламаси

Расмда: 1. Игна юритгич. 2. Ип тортгич ричаги.

Ип тортгич механизмларини бир биридан фарқлари ва афзалликлари

Кулачокли ип тортгич механизми машинани тезлиги 1500 айл/мин дан кам бўлган машиналарда ишлатилади, кўпинча уй машиналарида. Унинг конструкциясида олий кинематик жуфт бўлиб, у шовқин билан ишлайди ҳамда тез қизийди. Бу хол уни ишлаш муддатини чеклайди.

Кривошип-коромисло типли ип тортгич механизмлари тезлиги 1500-5000 айл/мин атрофида бўлган машиналарда ишлатилиб, у энг кўп тарқалган механизмлардандир.

Кривошип-кулиса типли ип тортгич механизмлари тезлиги 2500-3500 айл/мин ҳамда мокиси горизонтал текисликка параллел текисликда айланувчи машиналарда ишлатилади.

Баъзи тезлиги 5000 айл/мин ва ундан юқори бўлган машиналарда айланувчи гардишсифат ип тортгич мосламаси қўлланилади.

Ричагли ип тортгич мосламалари асосан жуда содда бўлиб, у игна юритгичга маҳкамланган бир детал - ричагдан ташкил топган. Унинг кўзчаси тўғри чизик бўйлаб илгарилама-қайтма ҳаракат қилади.

Танланган механизмнинг структуравий таҳлили

(Ип тортгични киңиёзасиз) ЧЕБЕШЕВГА ИП ТОРТГИЧНИ ЙОЗАМИЗ ЖОЙ КОЛСИН

ИВ. МЕТОДИКА ҚИСМИ

4.1. Таълимнинг фаол методлари ҳақида маълумотлар

Кейинги йилларда педагогика фани ва амалиётида таълим оловчиларнинг мустақил ишлаш ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш ҳамда фаоллаштиришга ённалтирилган фаол методларини ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланишга катта еътибор қаратилаяпти.

Ўқитишда енг самарали методларидан бири бу муаммоли ўқитишдир.

Муаммоли ўқитиш деганда машғулотларда педагог томондан яратиладиган вазиятлар ва уларни ечишга қаратилган талабаларнинг фаол мустақил фаолияти тушунилади. Бунинг натижасида талабалар касбий билим ва кўникмаларга ега бўладилар ва фикрлаш қобилиятлари ривожланади.

Албатта талабаларнинг дарсларга қанчалик даражада фаол қатнашиш ёки қатнашмаслиги талабага жуда боғлиқ. Лекин бунда ўқитувчи тайёр билимни талабаларга бериб қолади холос. Умуман олганда талабаларнинг активлиги сезиларли даражада емас. Шунинг учун ҳам ўқитувчи томонидан қўлланиладиган ҳар қандай уриниш етарли даражада самара бермаслиги мумкин. Бундай ҳолатда қандай ёъл тутиш мумкин. Албатта ўқитиш жараёнида жуда кўп усулларни қўллаш мумкин. Лекин дарсларни муаммоли қилиб ўтиш ана шу юқорида айтилган камчиликлардан холис бўлиши мумкин. Бунда ҳар бир талаба дарсининг моҳиятини тушуниб олиши ва уни олдида маълум бир муаммо ўқитувчи томонидан қўйилиши керак. Бу қўйилган муаммонинг қанчалик даражада талабаларга ижодий интилишни уйғотиши албатта муаммонинг характериға боғлиқ. Бунда ҳар бир талаба ўз олдида турган муаммони била туриб уни ижобий ечишга ҳаракат қилиши керак. Ўқитувчи еса бу жараённи кузатиб бориб, тегишли маслаҳат ва ёъналишларни кўрсатиши керак.

Ҳозирги замонавий дарсларнинг енг характерли томони ҳам шундадир. Муаммоли ўқитишни бошқариш педагогик маҳоратни талаб етади, чунки муаммоли вазиятнинг пайдо бўлиш - индивидуал ҳолат бўлиб, табақалаштирилган ва индивидуаллаштирилган ёндашувни талаб етади.

Муаммоли дарсларнинг яна бир характерли томони шундаки, бу методни қўллаш билан фақатгина талабалар билимини ўстирибгина қолмай, балки талабаларда шу фанга қизиқиш уйғонади.

Педагог муаммоли вазият яратади, талабани уни ечишга ёъналтиради, ечимни излашни ташкил етади. Муаммоли ўқитишни бошқариш, педагогик маҳоратни талаб етади, чунки муаммоли вазиятнинг пайдо бўлиши - индивидуал ҳолат бўлиб, табақалаштирилган ва индивидуаллаштирилган ёндашувни талаб етади.

Муаммоли вазият яратишнинг услубий ёъллари қуйидагилар:

- қарама-қаршилиқларға олиб келинади ва талабалар ўзларига ечим ёълларини излаш таклиф етилади;
- иштирокчиларға, ходисаға турли хил ҳолатлардан баҳо бериш таклиф етилади;
- муаммоли назарий ва амалий топшириқлар аниқланади;
- таққослаш умумлаштириш ва хулосалар чиқариш;
- аниқ саволлар қўйилади.

Таълимнинг муаммоли – кидирув услублари амалда билимни сўз орқали ифодалаш, кўргазмали ва амалиёт услублар ёрдамида амалға оширилади. Шу билан биргалиқда ўқув материални муаммоли баён қилиш услубини қўллаш, амалий муаммоли – кидирув ишларини бажариш, ҳатто тадқиқот типигади амалларни олиб бориш тўғрисида сўз юритиш мумкин.

Ўқув материални муаммоли услуб ёрдамида ўтиш муаммоли тузилган маъруза услуби орқали билим баён давомида мулоҳаза юритиш, исботлаш, умумлаштириш, фактларни таҳлил қилиш, талаба фикрини ўз ортидан ергаштириш, уни фаолроқ қилиш каби усуллардан фойдаланишни кўзда тутади.

Муаммоли таълим услубларидан бири евристик ва муаммоли кидирув суҳбати ҳисобланади. Бунда ўқитувчи (педагог) талабалар олдига қатор изчил ва ўзаро узвий боғлиқ бўлган саволлар мажмуини қўяди. Талабалар уларга жавоб берганда қандайдир шаклларни айтадилар. Айтганлари тўғри эканлигини мустақил исботлашга ҳаракат қиладилар. Шу билан бирга янги билимларни ўзлаштиришда мустақил равишда олдинга силжишни амалга оширадилар. Агар евристик суҳбатда бундай тахминлар янги мавзунинг фақатгина бирор қисмига алоқадор бўлса, муаммоли-кидирув суҳбатда талабалар муаммоли вазиятнинг бутун бир тизимини ечадилар. Шунинг учун ҳам бу суҳбатларнинг фарқи шартли ва фақатгина муаммоли вазиятда қўлланиш тадбирларига тааллуқлидир.

Таълимнинг муаммоли – кидирув услубларида кўргазмали қўлланмалар есда сақлашни фаоллаштириш мақсадида емас, балки дарсда муаммоли вазиятни яратадиган экспериментал масалаларни қўйиш учун ишлатилади. Бундан ташқари, кейинги пайтда расмлар ва чизмалар тизими кўринишида муайян ўқув вазиятлари тасвирларининг кўргазмали қўлланмалари кўп тайёрланмоқда. Бу усулда талабаларнинг мустақил фикрлашининг устувор сабабларини аниқлаш осон кўчади.

Муаммоли - кидирув услублари кўпроқ ижодий билим фаолияти кўникмаларини ривожлантириш мақсадида қўлланилади. Улар талабаларнинг билимни чуқур англашига, мустақил егаллашига ёрдам беради. Бу услублар, айниқса, қуйидаги ҳолларда самарали қўлланилади: ўқув жараёнида тушунча, қонун ва назария кабиларни шакллантириш кўзда тутилганда, фактик ахборотни маълум қилиш, меҳнат фаолиятининг лаборатория-экспериментал ўқув ва кўникмаларини ҳосил қилишда, ўқув материалининг мазмуни принципиал жиҳатдан янги бўлмасдан, илгари ўрганилганининг мантикий давоми бўлса, унинг асосида талабалар янги билимни кидириш учун мустақил қадам ташласа, мазмун ҳодисадаги сабаб-оқибат ва бошқаларга олиб келса.

“Аквариум” методи.

Гуруҳдан ихтиёрий равишда 3 киши танлаб олинади. Булар аудиториянинг ўртасидан жой оладилар-гўёки “балиқ”, қолганлар еса, кузатувчи бўлишади. Шу кичик гуруҳга бир вазият таклиф етилади, улар бунини 10-15 минут давомида биргалда муҳокама қилишлари, кузатувчилар еса, даврадаги ўртоқларининг тўғри ёки нотўғри жавобларини ёзиб боришлари муҳокама қилишади, кейин версияси таклиф етилади, уни кузатувчилар муҳокама қилинаши, кейин кузатувчилар ўз версияларини таклиф етишади, шу версиялардан энг яхшисининг муаллифи ўз версиясини таклиф етмаган таълим оловчи ўрнига кичик гуруҳга ўтади.

Бе методни худди “Нима, қаерда ва қачон?” деган ўйин сингари ўтказиш мумкин, ўқитувчи олдиндан тайёрлаб қўйилган саволларни беради, таълим оловчилар буларни 1 минут давомида муҳокама қилиб, жавоб беришади. Жавоблар қаноатланарли бўлмаса, столга бошқа уч нафар таълим оловчи бориб ўтиради.

Аквариум методи учун саволлар:


1. Тук куйдириш афзаллиги нимада?
2. Кийим тикишда ипнинг тоза-ифлослиги қанчалик катта рол ўйнайди?
3. Сҳимларни сув юқтирмайдиган қилиб тайёрлаш шартми?
4. Кийим қирқимларини тикиш жараёнида нималарга еътибор бериш керак?
5. Нималар ҳисобига тикувчилик сеҳида жараён секинлашиши ёки бутунлай тўхтаб қолиши мумкин?
6. Прессларнинг кучини ошириш билан қандай ютуқга еришса бўлади?
7. Ип газламада шим тикишнинг афзалликлари нимад?
8. Сҳим тикиш фабрикаларида зарур ҳисобланган қурилмалар қаторини санаб ўтинг.

“Малумотларни йиғиш” методи

- Бу босқич учун ўқитувчи қуйидаги материалларни таёёрлаши лозим:
- лойиҳа;

- лойиҳага тегишли топшириқлар таърифи;
- Лойиҳага оид маълумот йиғишга оид ёъналтирувчи саволлар;
- мавзунинг ўқув мақсадлари ҳақида маълумот.
- Сўнгра ўқитувчи ўқитвчиларни ёъналтирувчи саволлардан фойдаланиб топширик моҳиятини тушунишга жалб этиши, ўқувчилар еса мустақил равишда дарслик, ўқув қўлланмалар, тарқатма ва бошқа манбалардан маълумот йиғишлари керак.

“Маълумотларни йиғиш” методи учун саволлар:



4.2 Танланган таълим методи бўйича ўқитиш технологияси модели, технологик харита ва дарс ишланмасини ишлаб чиқиш

Машғулотни ўтказиш технология модели

Вақти 80 минут	Талабалар сони 25та
Ўқув машғулоти тури	Амалий машғулоти
Амалий машғулотнинг режаси	Кириш. Сҳим тикиш учун модел танлаш ва асослаш. Ип газламани пардозлаш. Сҳимга ишлов бериш технологик тартибини тузиш.
Ўқув мақсадлари: Таълимий: Ип газламадан шим тикиш афзаллиги ва хусусиятлари ҳақида тўлиқ маълумот бериш. Тарбиявий: Талабаларга билим малака кўникмалар бериш ва естетик тарбия бериш. Ривожлантирувчи: Еркаклар шимини тикиш учун газламаларнинг турини кўпайтириш ва сифатини ошириш.	

Педагогик вазифалар:

- талабаларга ип газламаси ҳақида маълумот бериш;
- талабаларга ҳар бир дарсга фаол қатнашиш ҳақида маълумотларни йеткизиш;

Ўқув фаолияти натижалари:

- талабалар ип галамаси ҳақида тушунча оладилар;
- талабалар ҳар бир дарсга фаол

-талабаларга ип газламасининг йенгил саноатда ишлатилиши ҳақида назарий билимлар бериш; -талабаларда ақлий имкониятларини шакллантиришга ёрдам бериш; -амалий машғулоти ўтказиш орқали талабаларга кўргазмалар таассурот уйғотиш; -талабаларни тарқатма материаллар билан таништириш	қатнашиш ҳақида кўникма ҳосил қилдилар; -талабалар ип газлоамасидан тикиладиган шимлар бўйича яққол тушунчага ега бўлдилар;
Ўқитиш услуби ва техникаси	Аквариум методлари, “Маълумотларни йиғиш” методи
Ўқитиш воситалари	Амалий машғулоти ўтказиш қўлланмаси, проектор, тарқатма материаллар плакатлар,
Ўқитиш шакли	Гуруҳ ҳамда кичик гуруҳларда
Ўқитиш шарт аҳороити	Проектор компьютер ва жиҳозланган аудитория

4.3 Мавзуга оид баҳолаш материаллари ва мезонларини ишлаб чиқиш.

БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

<i>Баҳолаш материаллари</i>	<i>1</i>	<i>2</i>	<i>3</i>	<i>4</i>	<i>5</i>	<i>Баллар йиғиндиси</i>
<i>Аквариум методи</i>	5	5	5	5	5	25
<i>Маълумотларни йиғиш методи</i>	5	5	5	5	5	25
<i>Назорат саволлари Ва тест</i>	10	10	10	10	10	50
<i>Жами:</i>	20	20	20	20	20	100

В. ҲАЙОТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ

ХУЛОСА

Менинг битирув малакавий ишимда “Ип газлама матосидан еркаклар замонавий шимининг листочкалари чўнтагига ишлов бериш технологиясини такомиллаштириш” мавзуси топшириқ қилиб берилган. Диплом иши мавзуси қизиқарли бўлганлиги учун кўп адабиётлардан фойдаландим.

Интернет сайтларидан маълумотлар олдим, мавзу бўйича адабиётларни ўргандим, ўтилган мутахассислик фанларидан ўрганган билимларим ва тикув лабораторияларида ўрганган амалий ишларим яқиндан ёрдам берди.

Бу диплом ишимни бажариш жараёнида мен еркаклар шими моделини танладим, танланган модел учун материаллар танлаб, кийимнинг кетма - кетлик жадвалини туздим ва шу асосида оқимнинг дастлабги ҳисобини ҳисоблаб топдим. Ҳисоб китоблар натижасида еса, оқимнинг ташкилий технологик схемасини туздим ва жадвалга киритиб ҳисоблаб чиқдим. Технолгик сеҳемани берилган формулалар асосида ҳисоблаб таҳлил қилиб, оқимдаги жиҳозлар ҳақида жадвални тўлдирдим.

Менга берилган мавзу юзасидан тикув машинаси ҳақида маълумотлар тўплаб, уларнинг узел ва механизмлари ҳақида маълумотга ега бўлдим, ҳамда тикув машиналарининг ип тортгич механизмини Чебешев формуласи асосида таҳлил қилиб чиқдим.

Танланган таълим методи бўйича ўқитиш технологияси модели, технологик харита ва дарс ишланмасини ишлаб чиқиб, мавзуга оид баҳолаш материаллари ва мезонларини ишлаб чиқдим ва ҳаёт фаолияти хавфсизлиги қоидаларини ҳам ўргандим.

Мен келажакда ўзим орзу қилган касб егаси бўлиб, давлатимизнинг тикувчилик саноатини ривожлантиришга астойдил ҳаракат қилмоқчиман.

Илова 3

А Д А Б И Й О Т Л А Р

1. Жабборова М.Ш. Тикувчилик технологияси. Т., «Ўқитувчи», 1989.
2. Комилова Х.Х., Ҳамраева Н.К. Кийим лойиҳалаш асослари. –Т.: Илм-зиё, 2005.
3. Изместева А.ЙА., ЙУдина Л.П., Умняков П.Н. Проектирование предприятий швейной промышленности. М., «Легкая и пищевая промышленность», 1983.
4. Кларин М.В. Инновационные модели обучения в зарубежных педагогических поисках. – М.: «Арена», 1994.
11. Н.Х.Авлиёқулов. Замонавий ўқитиш технологиялари. "Муаллиф" 2001.
12. Қ.Т.Олимов, О.А.Абдуқуддусов, Л.П.Узоқова, М.М.Ахмеджонов, Д.Ф.Жалолова. Касб таълими услубиёти. Тошкент, 2006.
5. 13. Исмоилова З.К. "Педагогикадан амалий машқулотлар" - Тошкент, Фан нашриёти, 2001йил.
6. 14. Маҳкамов У. ва бошқалар. "Педагогик маҳорат". –Т., 2003 й.
7. 15. Мода журналлари.
8. 16. «Швейная промышленность» журналлари
9. Кларин М.В. Инновационные модели обучения в зарубежных педагогических поисках. – М.: «Арена», 1994.
10. Н.Х.Авлиёқулов. Замонавий ўқитиш технологиялари. "Муаллиф" 2001.
11. Қ.Т.Олимов, О.А.Абдуқуддусов, Л.П.Узоқова, М.М.Ахмеджонов, Д.Ф.Жалолова. Касб таълими услубиёти. Тошкент, 2006.
12. Исмоилова З.К. "Педагогикадан амалий машқулотлар" - Тошкент, Фан нашриёти, 2001йил.
13. Маҳкамов У. ва бошқалар. "Педагогик маҳорат". –Т., 2003 й.
14. Мода журналлари.
15. «Швейная промышленность» журналлари
16. Труханова А.Т. «Тикувчилик технологияси асослари», Ўқитувчи, 1980 й.
17. Жаббарова М. «Тикувчилик технологияси», Ўзбекистон, 1994 й.
18. Литвинова И.Н. «Аёллар устки кийимини тикиш», Легпромиздат, 1987 й.
19. «Сехрли игна», Ўзбекистон, 1990 й.
20. Труханова А.Т., «Технология женской и детской легкой одежды», 1983 й.
21. Литвинова И.Н., «Изготовление женской и детской верхней одежды», Легкая индустрия, 1981 й.
22. Касб таълими услубиёти. Олимов Қ.Т.
23. Фаол ўқитиш методлари. Олимов Қ.Т.

Интернет сайтлар:

24. [хтtp://www.осинка.ру](http://www.осинка.ру)
25. [хтtp://ни-точка.ру](http://ни-точка.ру)
26. [хтtp://www.ливеинтернет.ру](http://www.ливеинтернет.ру)

27. <http://бук.т-стиле.инфо/категорй>

28. <http://творим.е-глен.сом>

29. <http://дизайн-омск.народ.ру>